



**ДИНШУНОСЛИК ФАНИНИНГ  
ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА  
ВАЗИФАЛАРИ**

## РЕЖА:

- 1. Диншунослик фанининг предмети, мақсади ва вазифалари
- 2. Диннинг илдизлари, диннинг асосий вазифалари
- 3. Диннинг асосий элементлари. Диний онгнинг структураси



Диншунослик  
фанини  
ўқитишдан  
мақсад –

кишиларда диннинг келиб  
чиқиши, эволюцияси,  
ҳозирги даврдаги ҳолати,  
инсоният ҳаётида тутган  
ўрни ҳақида умумий  
илмий тушунчалар  
беришдан иборат



Вазифаси

кишиларда дин тўғрисида билим бериш орқали курс доирасига кирган масалаларни таҳлил этишда илмийлик ва объективлик услубини қўллаб, уларда диний қарашлар тараққиётга, инсонни камолотига хизмат қиладиган жиҳатларни ажратиб олиш, мустақил фикр юритиш орқали илмий-фалсафий дунёқарашга асосланган иймон ва эътиқодни шакллантиришдан иборатдир



- Ибтидоий дин шаклларидаан тортиб то уруғ, қабила ва миллий динларгача, уларда жаҳон динларининг пайдо бўлиши ва ривожланишининг ижтимоий гносеологик (назарий билиш) ва психологик илдизлари мавжуддир. Ана шуларни ҳар томонлама тарихий далиллар асосида илмий таҳлил қилиш мазкур курснинг яна бир вазифаларидандир



## ДИНШУНОСЛИК ФАНИНИНГ ВАЗИФЛАРИ:

1. Дин ва диний эътиқод ҳақида дунёвий, илмий тасаввур ҳосил қилишга ёрдам бериш;
2. Дининг инсон ҳаётидаги ўрни ва мавқеига оид тўғри тушунчани шакллантириш;
3. Кишида онгида маънавий бўшлиқ ҳосил бўлишига йўл қўймаслик;
4. Турли ғайриинсоний ва ғайритабiiй диний қарашлар шаклланишинг олидини олиш

- *Диншунослик фанининг мазмуни талабаларда дин, унинг турли шакллари, таълимотлари, йўналишлари, мазҳаблари ҳақида тўғри илмий хулосалар чиқара оладиган, динийлик ва дунёвийлик муносабатларини асосли таҳлил қила оладиган илмий дунёқарашни шакллантиришдан иборат. Бунга эришишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун, Жиноят, Фуқаролик, Оила кодексларидаги дин ва виждон эркинлиги ҳақидаги кўрсатмалар, қоидалар дастуруламал бўлиб хизмат қилади.*



- *Дин инсоният маънавий ҳаётининг таркибий қисмидир. Ўзбекистон Республикасида зиёлилар олдига маънавий баркамол инсонни шакллантириш вазифаси қўйилган бир пайтда дин масаласини четлаб ўтиш мумкин эмас.*
- *Дин ва қонун ўзаро муносабатларини яхши билиш демократик жамият пойдеворини мустаҳкамлайди.*





- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни турли диний жамоа аъзоларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳақида тўла маълумот беради. Ўқувчиларда қонунга ҳурмат ҳиссини, ўзининггина эмас, бошқаларнинг ҳам диний ҳис-туйғуларини ҳурмат қилиш, тушунишга ҳаракат қилиш, ўз шахсий фикрларини бошқа кишиларга тазйиқ билан ўтказиш ғайриқонуний хатти-ҳаракат эканлиги, жамоат жойларида диний масалаларда зўравонлик, тажовузкорликка йўл қўймаслик дунёқарашини шакллантиради



- *Дин муайян таълимотлар, ҳис-туйғулар, тоат-ибодатлар ва диний ташкилотлар фаолиятлари орқали намоён бўлади. У олам, ҳаёт яратилишини тасаввур қилишнинг алоҳида тариқаси, уни идрок этиш усули, оламда инсоният пайдо бўлгандан то бизгача бўлган даврларни илоҳий тасаввурда акс этишидир. Дин комил инсонни тарбиялашда салмоқли тарбияловчи қудратга эга бўлган маънавий-ахлоқий кучдир*



# ДИННИНГ ТАРКИБИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

**Диннинг таркиби:**

**Диний онг (диний  
идеология(догматика, апологетика, ахлоқ ва  
илоҳиёт, амалий илоҳиёт) ва  
психология)**

**Маросимлар (қурбонлик ва  
сиғиниш)**

**Эътиқод**

**Диний ташкилотлар**

- Диннинг вазифалари деганда унинг алоҳида шахс ва жамиятга таъсир қилиш йўли ва табиати назарда тутилади.
- Диннинг жамиятда бажарадиган ижтимоий, маънавий-руҳий вазифалари қуйидагилардан иборат:



- 1) **Биринчиси дунёқараш, диннинг фалсафий-назарий вазифаси.** Бу вазифа инсонга яшашдан мақсад, ҳаёт мазмуни, дорулфано ва дорулбақо дунё масалаларига ўз муносабатини билдиришдан иборатдир.
- 2) **Иккинчиси компенсаторлик ҳар қандай дин ўз эътиқод қилувчилари учун тўлдирувчилик, тасалли берувчилик вазифасини бажаради.** Инсон ўз ҳаёти, турмуш тарзи, табиат ва жамият билан муносабатлари жараёнида ҳаётий мақсадларига эришиши иложсиз бўлиб кўринганда, унда қандайдир маънавий-руҳий эҳтиёжга зарурият сезилади. Ана шундай эҳтиёж диний эҳтиёждир.



- 3) **Учинчидан**, муайян дин ўз таълимот тизимини вужудга келтиргач, ўзига эътиқод қилувчилар жамоасини шу таълимот доирасида сақлашга ҳаракат қилади. Бу ҳодиса диннинг **бирлаш тирувчилик-интеграторлик** вазифаси деб аталади. Дин ҳамиша муайян ижтимоий, этник ва миллий гуруҳлар маънавий ҳаётининг ўз таъсирида бўлишига интилади. Бу таъсирнинг мунтазамлигини таъминлаш мақсадида дин халқларнинг ижтимоий ҳаётига, ахлоқий муносабатларига, шунингдек адабиёти ва санъатига ҳам таъсир ўтказади.



- 4) Тўртинчидан, ҳар бир дин ўз қавмлари турмушини тартибга солиб, назорат қилувчилик (регулятивлик) вазифасини бажаради. Динлар ўз урф-одатларининг, маросим ва байрамларининг қавмлари томонидан ўз вақтида, қатъий тартибга амал қилга ҳолда бажарилишини шарт қилиб қўяди



## ○ 5) Бешинчиси,

- диннинг **легитимловчилик-қонунлаштирувчилик** вазифаси. Диннинг бу вазифасини йирик америкалик социолог Талкотт Парсонс ишлаб чиққан. Унинг фикрича, «ҳар қандай ижтимоий тизим муайян чекловларсиз мавжуд бўла олмайди. Бунинг учун у қонун даражасига кўтарилган ахлоқ меъёрларини ишлаб чиқиши керак. Дин бундай меъёрларни қонунлаштирибгина қолмай, уларга бўлган муносабатни ҳам белгилайди».

